

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига рио қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Қарши туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг продаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондарига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таълиф кўринишидан мурожаат қўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20__ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганилиги ҳақидаги жавобини) билдиради.










7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шакlining ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан таъдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали</p> <p>Манзил: Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Бешкент йули 3 км</p> <p>Банк маълумотлари: х/р: 20 210 000 504 074 838 334; СТИР: 203 366 731 МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: 1155 Call маркази, 75 221-5300; E-mail: qashtel@uztelecom.uz, qashmarketing@uztelecom.uz;</p> <p>Оператор номидан: Директор  Ж.С.Бозоров м.ў. _____</p>	<p>АБОНЕНТ: </p> <p>Манзил:  Банк маълумотлари: х/р:  СТИР:  МФО: ; Банк номи:  Тел:  E-mail: _____</p> <p>Абонент номидан:  Ф.И.Ш. _____ м.п. _____</p>
---	---



Кўрсатиладиган хизматлар

I. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.1	Бир марталик тўлов		Нархнома		
1.2	Бир марталик тўлов		Нархнома		
II. Хар ойлик абонент тўловлари					
2.1	Ойлик тўлов <i>Corporate -7</i>	<i>1000000</i>	Нархнома	<i>11</i>	<i>11000000</i>
2.2	Ойлик тўлов	<i>1412645-12</i>	Нархнома	<i>1</i>	<i>1412645-12</i>
2.3	Ойлик тўлов		Нархнома		
2.4	Ойлик тўлов		Нархнома		
2.5	Ойлик тўлов		Нархнома		
2.6	Ойлик тўлов		Нархнома		
Жами (олдиндан тўлов)					<i>1000000</i>

Жами олдиндан тўлов миқдори *1000000* *Бир миллион*)сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори *12412645,12*)сўмни ташкил этади. Ундан ()сўм миқдорида ойлик абонент тўлови.

ОПЕРАТОР:
 "Ўзбектелеком" АК
 Қашқадарё филиали

АБОНЕНТ:
Маматов С.И.Р

Оператор номидан:

Абонент номидан:



Директор
 /имзо/
 М.У.

Ж.Бозоров



/имзо/
 М.У.

